Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 25 апрель 1968 йил, пайшанба ◆ № 97 (13.959). Баҳоси 2 тийин.

ЖАНУБИЙ СУРХОН СУВ ОМБОРИ

Деҳқон учун ҳар қарич ер қадрли. Фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритишда сув иншоотлари муҳим роль ўйнайди. Шеробод чўлини ўзлаштиришда Жанубий Сурхон сув омбори бунёд этилганлиги айни муддао бўлди. Суратларда: Жанубий Сурхон сув омборининг бош иншооти ва шу иншоотдан Шеробод массивига сув узатадиган каналнинг бошланиш қисми.

А. Тўраев фотолари.



ИРРИГАЦИЯ ИНШООТЛАРИДА



МЕҲНАТ ҲАФТАСИ

Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати кишиларимизнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш йўлида мунтазам ғамхўрлик қилиб, мазмун эътибори билан ғоят муҳим, ҳаётий тадбирларни амалга оширяпти. КПСС XXIII съезди кўрсатмалари асосида корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг беш кунлик иш ҳафтасига кўчирилиши ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Шу туфайли ишчилар, инженер-техник ходимлар ва интеллигенциямизнинг ўз билими, маданий савияларини ошириши, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди.

Республикамиз партия, совет, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотлари беш кунлик иш ҳафтасига кўчишдек муҳим ишга жиддий эътибор билан қараб, янги шароитда ишлашнинг барча масалаларини, тез ва соз ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда ишчи кучларини тўғри тақсимлаш, кадрлар ҳақида ғамхўрлик, ички резервлардан оқилона фойдаланиш, айниқса меҳнаткашларнинг маданий дам олишини пухта, намунали ташкил этиш уларнинг эътиборини кўпроқ жалб қиляпти. Реформа фақат меҳнаткашлар моддий-маданий ҳаётигагина эмас, балки ишлаб чиқаришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, Тошкент область «Облколхозстрой» қурилиш трестида меҳнат унумдорлиги сўнгги уч ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 22 процент ошди, шунингдек қурувчиларнинг иш ҳақи ҳам анча кўпайди.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтилганлиги муносабати билан меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, ҳамма депутатлар, касаба союз ташкилотларининг зиммасида тез ва моҳирлик билан бажарилиши лозим бўлган вазифалар турибди. Янги шароитда ишни пухта ташкил этиш, меҳнаткашлар бўш вақтларини хушчақчақ, сермазмун ўтказиши, қисқаси реформанинг муваффақияти кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир. Ишнинг кўзини билган маҳаллий Советлар ва касаба союз ташкилотлари ўз бурчларини яхши англаган ҳолда ташкилотчилик кўрсатмоқдалар. Масалан. Фарғона, Бекобод, Чирчиқ шаҳар Советлари ижроия комитетлари беш кунлик иш ҳафтасига кўчиш билан алоқадор бўлган масалаларни ўз сессиялари, мажлисларида ишчанлик билан муҳокама этиб, конкрет тадбирлар белгиламоқдалар, бу соҳадаги қарорларининг бажарилишини кун сайин назорат қилиб, ҳамма депутатлар, жамоатчилар активлигини кучайтирмоқдалар. Бекобод шаҳар Совети ижроия комитети, масалан, ишчи ва хизматчиларнинг намунали дам олиши, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатилишини тубдан яхшилаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Бу ерда шаҳар транспорти янги график асосида ишлаяпти, саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар коллективларининг шанба, якшанба кунлари дам олиши пухта уюштириляпти. Шаҳар Советининг депутатлари янгича ишлашга кўчган корхона ва ташкилотларга тез-тез бориб, қийинчиликларни бартараф этишда ана шу коллективларнинг партия, касаба союз ташкилотларига яқиндан ёрдам беришяпти.

Афсуски айрим жойларда маҳаллий Советлар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш билан боғлиқ бўлган баъзи қийинчиликларга бепарволик билан қарамоқдалар, янгича шароитда ишлашнинг моҳиятига чуқур тушуниб етмаётирлар. Масалан, Андижон шаҳар транспорти, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо ташкилотлари фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар бўлди, дейиш мушкул. Улар ҳамон эскича ишлаш «касали»дан қутула олмаётирлар. Бунда албатта шаҳар Совети ижроия комитети ва унинг бошқармалари айбдордирлар.

Беш кунлик иш ҳафтаси маданий-оқартув муассасалари ходимларининг ҳам зўр масъулият билан ташкилотчилик кўрсатишини тақозо этади. Маданият уйлари, клублар, истироҳат боғлари ва кутубхоналарда ишни шундай ташкил этиш керакки, уларга келган меҳнаткашлар зерикиб қолмасин, ҳар бир киши кўнгли тилаган нарса билан банд бўлсин. Бу ўринда Марғилон ипак комбинати клуби (раҳбари Йўлдош Исҳоқов) шаънига кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Бу ерда маданий ҳордиқ чиқариш кўнгилдагидек бўлгани учун ҳам клубдан одам аримайди. Клуб ҳузурида ташкил этилган ашула ва рақс ансамбли эса пойтахтимиз Москвада концерт бериш шарафига муяссар бўлди. Республикамизда ана шундай клублар, маданият уйлари жуда кўп. Эндиги вазифа уларда маданий-оқартув ишларининг форма ва усулларини янада хилма-хил, қизиқарли қилишдан иборатдир.

Республикамизда хушманзара, оммавий дам олишга боп гўзал жойлар кўп. Фарғонада Шоҳимардон, Хоразмда Шўркўл, Қорақалпоғистонда Грачева рошча, Андижон яқинида Арслонбоп, Уш, Тошкент яқинида Чимён, Бурчмулла каби ажойиб соғломлаштириш, дам олиш зоналари бор. Ҳозирги пайтда шаҳарлар атрофидаги оммавий дам олиш жойларидан тўғри фойдаланиш, ана шу дам олиш зоналарига транспорт қатновини кўпайтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда беш кунлик иш ҳафтасининг амалга оширилганлиги катта сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган тадбирдир. Бу тадбир натижасида меҳнат кишисининг бўш вақти кўпайди, бу вақт унинг талант ва қобилиятини янада ўсишига сарфланмоғи керак. Шу боисдан ҳам партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар ана шу улуғвор ишдан четда туролмайди. Улар кишилар меҳнатини, дам олишини шундай уюштиришлари лозимки, токи ҳар бир ишчи ва хизматчи янгича шароитда ишлашнинг давлат учун ҳам, ўзи учун ҳам зўр аҳамиятли эканини янада чуқурроқ ҳис қилсин. Ана шундагина унинг меҳнати баракали, моддий ва маънавий турмуши янада бой, ранг-баранг бўлади.

МАЙ ШАРАФИГА

Рауф Каримов, Уктам Пўлатов, Карим Дўсматов ўртоқлар Тошкентдаги сунъий ва натурал чарм заводида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар баҳор байрами — 1 Май шарафига мусобақани кучайтириб, смена топшириқларини 110-115 процент адо этаётирлар. Заводда шундай илғорлар кўпайиб бораётгани туфайли йил бошидан буён планга қўшимча 141 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Уч ой мобайнида 79 минг сўм фойда кўрилди.

М. ҲАКИМОВ.

●

Нукус кийим тикиш фабрикасида Дамагул Болтабоева мастерлик қилаётган коллектив пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда. Бу коллектив ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришмоқда. Дамагулнинг шогирдлари Ў. Қаюмова, М. Жетписбаева, Б. Қулметова каби чеварлар смена нормаларини 135-140 процент бажараётирлар. Улар маҳсулот тайёрлаш сифатини ошириш билан ҳамкасблари даврасида катта обрў-эътибор топишяпти. Мастер Зинаида Пискунова раҳбарлик қилаётган смена ҳам 1 Май шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқда. 1 квартал планини 20 кун олдин бажарган коллектив байрамни тўрт ойлик планга қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрлаш билан кутиб олиш ҳаракатида.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг мухбири.

●

Тошкентдаги 153-қурилиш трестига қарашли 34-бошқарманинг ўртоқ У. Эгзиев бошлиқ комплекс бригадаси коллективи тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Биринчи квартал мобайнида планга қўшимча 60 процент миқдорида иш бажарилди. А. Пўлатов, А. Кишинев, Ш. Конаков каби бинокорлар ҳар куни икки норма адо этишяпти.

Х. ЭШТУХТАРОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕРИМ МАШИНАСИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводи коллективи пахта теримини механизациялашга яна ҳам каттароқ ҳисса қўшиш тадбирларини кўрмоқда. Бу ерда такомиллаштирилган «14ХВ-2,4» маркали пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга тайёргарлик бошлаб юборилди. Бирданига тўрт қатордаги пахтани териб кета оладиган ана шу машина «Ўзбекистон» деб номланаётганлиги бежиз эмас. Бизнинг республикамиз мамлакатда пахта териш агрегатлари ишлаб чиқарадиган улкан база ҳисобланади.

«Ўзбекистон» тўрт қаторли пахта териш машинасидан шу йилнинг ўзида 1700 та ишлаб чиқарилади. Шундан 30 таси июль ойида, 270 таси август ойида, 350 таси сентябрь ойида тайёрланади. Бу, такомиллашган типдаги жаҳонда тенги йўқ тўрт қаторли машина бўлади.

М. ХЎЖАЕВА.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ—БАЙРОҒИМИЗ

Республика илмий-назарий ва методик конференцияси

24 апрелда Тошкентда республика илмий-назарий ва методик конференцияси очилди. Бу конференция «Партия маорифи системасида интернационал тарбия масалалари» деган проблемага бағишланди. Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан КПСС Марказий Комитетининг «Политическое самообразование» журнали редколлегияси уюштирди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларининг идеология ишлари билан шуғулланувчи секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, партия комитетлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг мудирлари, йирик бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, матбуот, радио ва телевидение, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимлари, олимлар, методика кенгашлари ва доимий семинарларнинг раҳбарлари, партия ўқуви ва комсомол сиёсий маорифи системасида ишловчи пропагандистлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Советининг Президиуми ва Министрлар Советининг раҳбар ходимлари конференцияга таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш сўзи билан конференцияни очди.

Бу конференция, деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов, партиянинг бутун ғоявий ҳаёти КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларининг кучли таъсири остида ўтаётган кунларда тўпланди. Пленум тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи капитализм билан социализм ўртасида идеология кураши ғоят кескинлашганлиги билан характерланади, деб таъкидлади. Ҳозирги вақтда антикоммунистик пропаганданинг бугун жуда катта аппарати социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини заифлаштиришга, замонамизнинг илғор кучларини бир-биридан ажратиб юборишга, социалистик жамиятга ичкаридан туриб путур етказишга уриниб кўришга қаратилган. Шу билан бирга бундан асосан миллатчи ва шовинист унсурларга умид боғланмоқда.

Бу тасодифий эмас. Миллий муносабатлар — ижтимоий ҳаётнинг шундай бир соҳасики, кишиларнинг энг чуқур туйғулари бунда намоён бўлади. Ленин буржуа ижтимоий онгининг ҳамма кўринишлари орасида миллатчилик энг яшовчандир, деган эди.

Коммунизм душманлари совет кишиларининг онги ва хулқида миллий худбинлик сарқитларини жонлантиришга катта умид боғлайдилар. Улар ленинча миллий сиёсатга доғ тушириш, бу сиёсатни беобрў қилиш, миллий адоват туғдириш, халқларимиз дўстлигига путур етказиш учун ҳар қандай йўллар билан уринмоқдалар.

Кейинги вақтлардаги воқеалар синфий душманларимиз ғафлатда эмаслигини яна бир марта исбот қилади. Улар тинчлик ва тараққиёт кучларига қарши напалм бомбалари ва заҳарли моддаларни ишлатибгина қолмай, балки идеология соҳасида ҳар қандай диверсиялардан — фитна ва дағдаға қилиш, туҳмат қилиш ва пора бериб сотиб олиш усулларидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Идеологик диверсиянинг ташкилотчилари фактларни қалбакилаштириб, бузиб кўрсатадилар, иғвогарлик мақсадида ҳар қандай овозаларни тарқатадилар. Улар радиодан ва пропаганданинг бошқа воситаларидан фойдаланиб, кишиларнинг қалбини чирик буржуа идеологияси заҳри билан оғулашга, кишиларнинг коммунистик идеалларга ишончини бўшаштиришга интиладилар.

Маълумки, империалистларнинг бундай уринишлари ҳеч қандай натижа бермайди ва муқаррар барбод этилади. Аммо биз синфий душманларимизнинг социализм ғалабаларига қарши ўз ҳужумларини кучайтирганликларини эътиборга олмай қола олмаймиз. Бундай шароитда душман идеологиясига қарши муросасиз кураш олиб бориш, империализмнинг кирдикорларини шафқатсиз фош қилиб ташлаш, партия ташкилотларининг идеология ишини бутун чоралар билан кучайтириш зарур.

Ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир кишининг коммунистик эътиқодини, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми туйғуларини кучайтириш учун ғоявий тарбиянинг барча мавжуд воситаларидан фойдаланиш керак. Совет кишиларини пролетар интернационализмининг ленинча принципларига садоқат руҳида, халқларнинг бузилмас қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялаш — идеология соҳасидаги ҳамма ишимизнинг энг муҳим таркибий қисми, бу ишнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

Сўнгра ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларда тўпланган ижобий тажрибаси ҳақида гапиради, бу ишнинг асосий формалари ва методларини кўрсатиб беради.

Бу иш, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Ш. Р. Рашидов, социалистик миллатларни яқинлаштиришга, социалистик миллатлар маданиятларининг ўзаро таъсирини кучайтириш ва уларнинг бир-бирини бойитишларига, СССР халқларининг хўжалик ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, совет кишилари интернационализм ва қардошларча дўстлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг барча область ва шаҳарлари, барча корхоналари, колхоз ва совхозлари, меҳнаткашларнинг ҳамма коллективлари кўп миллатлидир. Уларнинг ҳаммаси ягона аҳил оила бўлиб яшамоқда. Уларнинг ҳаммаси коммунизм қуришдан иборат умумий мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда.

Совет халқларининг дўстлиги қаттиқ синовларга шараф билан бардош берди. Бу дўстлик эндиликда бузилмас дўстлик бўлиб, тошметиндек мустаҳкамдир. Ҳеч қандай куч бу дўстликни буза олмайди.

Аммо биз СССР халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буён ҳам тинмай мустаҳкамлашимиз керак. Шу нарсани доим эсда тутиш зарурки, халқлар дўстлиги — социализмнинг энг катта ютуғи, бизнинг энг азиз мулкимиздир. Халқлар дўстлиги — совет жамияти кучларининг битмас-туганмас манбаидир. Ленин партияси раҳбарлигидаги совет халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги — барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

Совет халқларини бирлаштирадиган, жипслаштирадиган ва иноқлаштирадиган ҳамда коммунистик жамиятни муваффақиятли қуришга ёрдам берадиган ишларнинг ҳаммасини доим ва сабот билан тарғиб этиш — барча партия ташкилотларининг, барча партия ходимлари ва пропагандистларнинг бурчидир. Бинобарин, кишиларни интернационализм ва халқларнинг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялашни бутун чоралар билан кучайтириш керак.

Партия ва комсомол ўқуви системаси бу вазифани ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Биз бу соҳада катта ва жуда қимматли тажриба тўплаганмиз. Кўп сонли пропагандистларимиз оммани интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида хилма-хил ишларни бажармоқдалар. Уларнинг тажрибаларини чуқур умумлаштириш ва кенг ёйиш лозим.

Бу конференция ана шу мақсадга хизмат қилмоғи керак. Шу билан бирга конференция пропагандист кадрларимизнинг назарий билимларини оширишларига, миллий масала юзасидан марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишни янада кучайтиришга, меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишни яхши йўлга қўйиш чораларини белгилашга ёрдам беради.

Биринчи ялпи мажлисда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири В. И. Степаков «Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида идеология иши вазифалари ва интернационал тарбия масалалари» тўғрисида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Политическое самообразование» журнали бош редактори А. С. Вишняковнинг «Партия матбуоти ва интернационал тарбия масалалари» тўғрисидаги доклади ва тарих фанлари доктори, профессор М. Ғ. Ваҳобовнинг «Ўзбекистонда миллатларнинг ўзаро алоқа жараёни — социалистик интернационализм принципларининг амалда намоён бўлиши» деган темадаги докладлари ҳам тингланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, М. Т. Турсунов ўртоқлар қатнашмоқдалар.

Конференция тўрт кун давом этади. (ЎзТАГ).

БИРЛАШГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ

МОСКВА. (ТАСС мухбири). Москвада 23 апрелда Карл Маркс туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланиб, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти, СССР Фанлар академияси гуманитар фанлар институтлари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактаби ва ижтимоий Фанлар академиясининг бирлашган илмий сессияси очилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев сессияни кириш сўзи билан очди.

Сессия программасида — академик П. Н. Федосеевнинг «Марксизм ва XX асрдаги социал проблемалар» деган темадаги, академик А. М. Румянцевнинг «К. Маркс ва коммунистик жамият қурилишининг баъзи проблемалари» деган темадаги докладлари бор. Докладлар уч секцияда муҳокама қилинади.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

Республика областларида партия активи йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг якунларига бағишланиб ўтказилган бу йиғилишларнинг қатнашчилари партиямиз ленинча Марказий Комитетининг халқаро сиёсат ва жаҳон коммунистик ҳаракати жипслиги учун курашдаги сиёсий йўли ҳамда амалий фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар.

Хоразм область партия активининг йиғилишида обкомнинг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди. Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, республика халқ контроли комитети раиси М. Т. Турсунов нутқ сўзлади.

Бухоро область партия ташкилоти активининг йиғилишида обкомнинг биринчи секретари Қ. М. Муртазоевнинг доклади тингланди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Г. М. Орлов, республика қишлоқ хўжалик министри Н. Ж. Худойбердиев қатнашдилар.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирларидан).

Ғўза қатор ораларини культивация қилишга биринчи бўлиб киришган «Ленинград», Карл Маркс номли, «Октябрь», «Москва», Киров номли ва бошқа машъал хўжаликларда бир неча юз гектарлаб ғўзалар биринчи парваришдан чиқарилди. Культивация билан бир вақтда ғўзаларга минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси бериб борилмоқда. Неча ўнлаб транспорт чорвачилик яйловларидан гўнг ташиётир.

«Октябрь» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева бошлиқ бригадаси барча майдондаги чигитни текис ундириб олиб, ғўзаларнинг 50 процентини биринчи культивациядан чиқариб қўйди.

Кеча Тошкентда партия ўқуви системасида интернационализм тарбиясига оид илмий-назарий ва методик конференция очилди. Биринчи суратда. конференция қатнашчиларидан бир группаси (чапдан) А. Самиев, А. Маҳмудов, А. Бўтабоев, Т. Иброҳимов ва Х. Барзиев ўртоқлар. Иккинчи суратда конференциянинг мажлислар залида.

И. Глауберзон фотолари.

Халқ контроли саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан оширингиз! Маблағлар, ишлаб чиқариш фондлари, хом ашё ва материаллардан яхшироқ фойдаланиш учун курашингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштирингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)

Сурхондарё далаларида ерга барака уруғи қадаш тугалланай деб қолди. Қишлоқ меҳнаткашларининг эндиги вазифаси ёш ниҳолларни сифатли парвариш қилишдан иборат. Бу ишда уларга халқ назоратчилари ёрдамга келяпти. Фотомухбиримиз А. Тўраев Термиз районидаги Жданов номли колхозда бўлиб, халқ мулки посбонларининг шу кунлардаги иш фаолияти билан танишди. Суратда: халқ назоратчиларидан Т. Шодиев ва Р. Кашановлар Ниёз Гелдиева бошлиқ бригада даласида чигит экиш сифатини кўздан кечирмоқда.

БАРАКА — ТЕЖАМДА

Халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорлик бўйича республика кўриги бошланганидан бери бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Якинда шу давр мобайнида қилинган ишларга якун ясалди. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири республика Кўрик комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси М. Турсуновга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Иқтисод қилиш ва тежамкорлик бўйича кўрик комиссиясининг фаолиятини шарҳлаб берсангиз!

—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1966 йил 28 декабрда қабул қилган «Республика халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг оммавий кўригини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ область, шаҳар, район, министрликлар, муассасалар, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларда 1967 йил давомида иқтисод қилиш ва тежамкорликнинг оммавий кўриги ўтказилди. Кўрик моҳият эътибори билан умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Агар биз жойларда 11 мингта кўрик комиссияси ташкил этиб, унга ишлаб чиқариш илғорлари, назоратчилар, партия ва совет ходимларидан 80 минг кишини жалб этишни мўлжаллаган бўлсак, кўрик комиссияси иш бошлаганидан кейин эса унда иштирок этиш истагини билдирганлар сафи ярим миллион кишидан ортиб кетди.

Республикамиз меҳнаткашлари давлат маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида қатъият, ташаббус кўрсатдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Кўрик комиссияси меҳнаткашлардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, иқтисод қилиш ва тежамкорлик бўйича оммавий кўрикни 1968 йилда ҳам давом эттириш, унинг активлари сафини янада кўпайтириш, комиссия фаолиятига партия раҳбарлигини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

— Оммавий кўрик қандай натижалар берди!

— Кўрик натижалари, унинг халқ хўжалигига келтирган фойдаси, активистлар кўтариб чиққан ташаббусларни бир сўз билан ифодалаш қийин. Лекин бир йил давомида тўпланган тажрибалар, таҳлил қилинган рақамлар оммавий кўрикнинг жуда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлганлигини, у халқ хўжалигига катта моддий манфаат келтирганини кўрсатиб турибди. Масалан, меҳнаткашлар томонидан киритилган 75 мингдан зиёд рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларидан 47 мингтасини жорий этишнинг ўзи 115 миллион сўмлик шартли тежам берди.

Фақат республикамизнинг ташкилот ва корхоналарида электр ва иссиқлик энергияси ҳамда ёнилғидан тежаб фойдаланиш бўйича 2,5 мингта тадбир амалга оширилди. Натижада 420 миллион киловатт-соат электр энергия, 600 минг гигокалорий иссиқлик энергияси ва салкам 120 минг тонна ёнилғи иқтисод қилиб қолинди.

Оммавий кўрикни намунали ўтказишда Самарқанд, Хоразм, Фарғона областлари партия ва совет ходимлари, назоратчилари ҳамда кўрик комиссиясининг аъзолари ибратли ишлар қилдилар. Кўрик комиссиялари ўз ишларини амалий тадбирлар асосига қурганлари туфайли меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган ички резервларни қидириб топишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бердилар. Лекин айрим кўрик комиссиялари ўз ишларини ҳозирга қадар ҳам аниқ бир мақсад сари йўналтиролмаяптилар. Улар расмиятчиликка берилиб кетиб, энг муҳим масалаларни, давлат планларининг бажарилмай қолиш сабабларини чуқур анализ қилолмаяптилар. Маҳаллий партия ташкилотлари ана шундай кўрик комиссияларининг ишини жонлаштиришга амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

— Кўрик комиссиялари ишига ёрдам беришда халқ назоратчиларининг вазифаси нималардан иборат бўлди!

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорда кўрик комиссиялари тузилгандан кейин халқ контроли органларининг муҳим вазифаларидан бири — комиссия фаолиятини тўғри йўналтиришга яқиндан ёрдам бериш, улар киритган таклифларни амалга ошириш юзасидан мунтазам назорат олиб бориш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган эди. Халқ мулкининг сезгир посбонлари Марказий Комитет қарорига оғишмай амал қилмоқдалар. Улар маҳаллий партия ташкилотлари билан биргаликда комиссиянинг ўз ишини муваффақиятли бошлашида, белгиланган тадбирларни амалга оширишда катта ташкилотчилик ишлари олиб бордилар.

Ҳамма жойда халқ контроли комитети ва группаларининг бошлиқлари оммавий кўрик ўтказувчи комиссия раисининг ўринбосари қилиб сайланди. Бу, комиссия аъзолари билан назоратчиларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари, мураккаб масалаларни биргалашиб ҳал этиш имконини берди.

— Оммавий кўрик комиссиялари фаолиятини янада жонлантириш, иш самарасини ошириш учун қандай тадбирлар белгиланмоқда!

— Бу саволга юқорида озроқ тўхталиб ўтдим. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг тавсиясига асосан кўрик комиссияларининг иши бу йил ҳам давом эттирилади. Уларнинг омма ўртасида обрўсини ошириш, улар киритган қимматли таклифларни қўллаб-қувватлаш борасида барча зарур тадбирларни кўриб боришимиз лозим.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

НУКУС. Гўшт комбинатидан юборилган қўй гўштининг 525 килограммини магазин қабул қилмай қайтариб юборди. Дудланган колбасаларнинг сифати паст. Омборларда маҳсулотларни сақлаш технологиясига риоя қилинмагани учун фақат ўтган йили 23 тонна ёғ брак қилинган.

Шаҳар халқ контроли комитети йиғилишида мазкур камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Комбинат директорининг маҳсулот сифатини яхшилаш учун тегишли чора-тадбирлар кўражаги ҳақидаги ваъдаси инсбатга олинди.

●

УРГАНЧ. Шаҳар халқ контроли комитетининг жамоатчи инспекторлари темир йўл станциясида вагонлардан юкларни тушириб олиш ва ортиш ишларининг аҳволини ўрганди. Айрим корхона ва хўжалик раҳбарларининг бу муҳим ишга эътибор бермагани оқибатида, кўп товарларнинг сифати бузилган.

Ўтган йили вагонларнинг туриб қолгани учун 167-трестга қарашли қурилиш материаллари комбинати 15 минг сўм, йўл-эксплуатация участкаси 3491 сўм жарима тўлаган. Ишга масъулиятсизлик билан қарагани, вагонларни керагидан ортиқча туриб қолишига сабабчи ташкилот раҳбарларига мавжуд нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш уқтирилди.

●

ФАРҒОНА. Район халқ контроли комитети Димитров номли колхоз қўйчилик фермасида содир бўлган талон-торожлик фактини кўриб чиқди. Ўтказилган текширишда 188 бош майда шохли моллар етишмаслиги маълум бўлди. Бунда ферма мудири Х. Эрматовнинг нопок қўли борлиги сезилиб қолди. Колхоз правлениеси ва бухгалтерияси томонидан етарли назорат бўлмаганлигидан фойдаланган К. Эрматов жиноятни беркитиш мақсадида сохта ҳужжатлар тайёрлаган. Турли қалбаки актлар тузган, бироқ уларни бухгалтерияга вақтида топширмаган.

Назоратчилар Х. Эрматов ва унинг ҳамтовоқлари тўғрисидаги материални жиноий иш қўзғатиш учун район прокуратурасига ҳавола қилдилар.

«КИМГА АЙТАЙ»

«Халқ контроли» саҳифасининг ўтган сонларидан бирида юқоридаги сарлавҳа билан мақола босилиб, унда Сариосиё районидаги «Боботоғ» совхози меҳнат аҳлига газета-журналлар вақтида етказиб берилмаётгани, район марказидан газета-журналларни ташиб келтириш учун транспорт ажратилмагани, почтальон 50-60 километрлик масофани пиёда юриб, марказга ҳафтада зўрга бир марта бориб келаётгани айтилган эди.

Совхоз раҳбарлари (директори Б. Оллаёров, партком секретари Юсупов ўртоқлар) мазкур танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Ҳозирга қадар мақола юзасидан бирор амалий тадбир қўлланилмади. Почтальон ҳамон марказга пиёда қатнаяпти. Газета-журналлар обуначиларга вақтида етказиб берилмаяпти. (Қишлоқ мухбири А. Жонқобилов хатидан)

— Қачон насиб бўларкин, қачон, бизга «Победа» ё «ЗИМ»?

М. ВОРОБЕЙЧИКОВ чизган расм.

Бўлди ажиб ҳангомалар

РАҲМАТ, ДЕДИ

Халқ контроли комитетининг раиси Солижон Воҳидов билан район назоратчиларининг шу кунлардаги ишлари ҳақида суҳбатлашиб ўтирардик. Эшик очилиб «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси Тўлаган ака кириб келди. У Солижон ака билан самимий ҳол-аҳвол сўрашгач, миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, катта ёрдам бердиларинг. Ҳозир ишимизнинг бориши ёмон эмас. Экиш ҳам.

Раис чиқиб кетгач, Солижон ака воқеани тушунтириб берди...

Март ойининг охирлари. Колхоз раиси назоратчилар бошлиғи Неъматжон Усмоновга барча техника экишга созлаб қўйилганлиги ҳақида маълумот олганлигини айтди.

— Менингча, эрта-индин экишни бемалол бошлайверсак бўлади, — деди раис сўзининг охирида. Сўнг, сен нима дейсан дегандек Неъматжонга қаради.

Неъматжон куни кеча дала айланиб трактор паркида техникани созлаш ишларида пала-партишликлар борлигини ўз кўзи билан кўрган эди. Неъматжон ҳар бир нарсадан кўз-қулоқ бўлиб турадиган, камчиликларга кўзбўямачиликка муросасиз коммунист. Шу туфайли ҳам бош инженернинг кўзбўямачилиги уни ранжитди. Шубҳасини раисга айтди.

— Ҳар ҳолда, иш бошидан пухта бўлгани яхши, — деди у, — техниканинг тайёргарлигини яна бир бор текшириб кўрайлик.

Раис рози бўлди. Эртасига Неъматжон халқ назоратчиларидан Маҳкам Пўлатов, Қурбон Ҳожибеков, Исмоил Муртозаев билан трактор паркига борди. Улар ҳар бир агрегатни синчиклаб кўздан кечирдилар, юргизиб кўрдилар. Неъматжоннинг шубҳаси тўғри чиқди. Тайёр дейилган 14 чопиқ тракторидан 2 таси, 26 сеялкадан 6 тасида камчиликлар кўп экан. Назоратчилар шу ернинг ўзида агрегатларни ким ремонт қилганлигини аниқладилар ишга юзаки муносабатда бўлган кишиларни уялтирдилар. Техника ремонтига ҳафсаласизлик билан қараган шахсларга чора кўриш колхоз правлениеси ва партия ташкилотига ҳавола қилинди.

Колхоз раҳбарлари назоратчиларнинг сигналларини оқибатсиз қолдирмади. Ҳамма камчиликлар тугатилди. Хўжалик пухта тайёргарлик кўрган ҳолда чигит экишни бошлади.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг жонкуяр назоратчилари ана шундай иш олиб бормоқдалар. Уларнинг иш планида гектарларнинг тўла бўлиши, кўчатларнинг бутлигини таъминлаш сингари масалалар бор.

— Раис назоратчиларнинг сезгирлиги ва ҳушёрлигидан хурсанд, — деди Солижон ака, — шу туфайли ҳам ўзи атайлаб миннатдорчилик билдиргани келибди.

Н. РИХСИЕВ.

АСАКАСИ КЕТМАДИ...

Бу иборани «Асакаси кетадими», «Асаканг кетмайди» сингари формаларда, «Сенга ҳеч нима бўлмайди, ҳеч нима йўқотмайсан» деган маъноларда ишлатиб келишади. Ҳар ким ҳар нарса дейди-ю, лекин ҳеч ким унинг маъносини асакаликлардек яхши тушунмайди. Сўз асакаликларга:

— Мисолсиз, тўғри маъносини айтиб қўяқолайликми? — деди Асаканинг шундоққина биқинида жойлашган 62-мактаб ўқитувчиси М. Мирзаев.

— Мисолни бошқа ёқдан келтирсак-чи? — сўради «Правда Востока» колхозининг аъзолари У. Зокиров, А. Қурбонов ва Исоқовлар. — Лекин ўртамизда қолсин-а?

Рози бўлдик. Асакалик йигитлар сўзлай кетди:

— Асакада помидор ғарқ пишиб бир челаги 10 тийин бўлган палла, Узоқ Шарқ районларида унинг килоси фалон пул деб эшитиб қолдик. Текин пул дегани тинч қўймас экан, учовимиз туни билан ухламай чиқдик. Кўз илинди дегунча ўн сўмликнинг сурати кўринаверди. Тонг отарга яқин Новосибирскка боришга аҳд қилдик. Биласиз-ку, асакаликларнинг аҳди қатъий бўлади. Лекин транспорт керак эди.

Бунинг ҳам йўли топилди. 106-автобазага қарашли «МАЗ-504» маркали машина ҳайдовчилари З. Шарафиддинов ва Йўлдошевларни панароқ жойга чақириб, мақсадни айтдик. Аввалига улар кўнмади. Биз ҳам бўш келмадик:

— Нима, бир марта ишимизга унасаларинг асакаларинг кетадими, ҳақини тўлаймиз деган гапларни ҳам қилдик.

Азаматларнинг ўзлариям Асакадан Новосибирскка 10 тонна помидор элтиб беришгани учун 4 минг сўмгина бели синмаган червонни қуртдек санаб олишди-да.

— Бу ҳужжатлар масаласи нима бўлди, йўлда машинани ҳеч ким тўсмадими?

— Нега тўсмас экан, тўсди, текшираверив ҳужжатларимизнинг авра-астарини ағдариб ташлашди. Лекин ҳайдовчиларнинг қўлида Андижондаги «Узмосстрой» трестига қарашли қурилиш участкасининг старший товароведи А. Какуев, бош прораб В. А. Иголкинлар тайёрлаб берган қалбаки ҳужжат бор эди-да. Ҳайдовчилар ҳам бўш келишмабди:

— Ҳамиша хизматингиздамиз. Шу битта илтимосимизни инобатга олсангиз, асакангиз кетмайди-ку? — дейишибди.

Ана шу ҳужжат асосида ҳамроҳларимиз давлат кассасига 164 сўм 70 тийин кирим ҳам тўлашди. Қалай, ҳалиги сўраган гапингизнинг маъносини тушунтира олдикми?

— Бу томони тушунарли бўлдику-я, лекин бир нимага одам ҳайрон бўлиб турибди-да?

Ҳамсуҳбатларимиз баравбарига оғиз жуфтлашди.

— Тортинманг, нима гап, айтаверинг?

— Шунақа бирни икки қиламан деб, совет ўқитувчиси деган шарафли номга доғ тушириб, юзингизга чайқовчилик ниқобини тутиб юргунча, кўплар қатори ҳалол меҳнат қучоғида пешана тери тўксангиз, умум ишига бирор улуш қўшсангиз асакаларинг кетмас эди-ку.

Чайқовчилар чурқ этишмади.

А. МАДУМАРОВ.

ХАЛҚ МУЛКИНИНГ ПОСБОНЛАРИ

«ХАЛҚ КОНТРОЛИ» ПОЧТАСИДАН

Редакция жойларда фаолият кўрсатаётган халқ назоратчилари, уларнинг элга манзур ишлари, давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлашдаги ғамхўрликлари ҳақида кўплаб хатлар олмоқда. Бу тиниб-тинчимас халқ мулки посбонларининг омма ўртасида обрўйи ортиб бораётгани, улар амалга ошираётган ишлар хўжаликларга катта фойда келтираётганидан далолат беради.

Хатларни варақлаймиз: Булунғур район халқ контроли комитетининг аъзоси Э. Узоқов қуйидагиларни хабар беради:

Райондаги Улуғбек номли совхоз кўрик комиссиясининг аъзолари техника ремонти, меҳнатга ҳақ тўлаш, ортиқча штатларни қисқартириш ҳисобига хўжаликнинг 5000 сўмга яқин маблағини тежаб қолдилар.

Бўз район партия комитети назоратчилар фаолиятига яқиндан раҳбарлик қилмоқда. Райком ўз мажлисларида хўжаликлар қошида ишлаб турган халқ контроли группаларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб боради. Назоратчилар аниқлаган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан амалий тадбирлар белгилайди. Натижада давлатнинг катта суммадаги маблағи тежаб қолинди. И. Акромов «Халқ контролининг қуйи звеноларига эътибор» сарлавҳали мақоласида ана шу ҳақда ёзади.

Наманганлик Т. Сулаймонов, ғузорлик Р. Бекбоев, қаршилик Р. Ўроқов, бойсунлик Н. Муродов, иштихонлик И. Қулаҳмедов, пастдарғомлик Н. Мамедов ўртоқларнинг редакциямизга йўллаган қайноқ сатрларида ҳамиша сезгир кишиларнинг умум ишига қўшаётган ҳиссалари, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга халақит бераётган нуқсонларни вақтида очиб ташланиши фактларда талқин қилинади.

Лекин иш ҳамма жойда ана шундай намунали йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Қўрғонтепа районида яшовчи И. Мирзаев, Ҳ. Абдулфаттоевлар «Андижонгидрострой»га қарашли сув омбори қурилишида меҳнат жараёнида жиддий камчиликлар борлиги ҳақида ачиниб ёзадилар. Қорабағиш ва Тополино участкаларида ишчиларни вақтида иш жойига олиб бориш ва олиб қайтишда тартиб йўқ. Натижада кундалик иш соатларидан унумли фойдаланилмайди. Участкаларда қурилиш материалларини исроф қилишга йўл қўйилмоқда. Қурилишда раҳбарлар касаба союз комитетининг розилигисиз ишчиларни бир ишдан иккинчи ишга кўчириш, ишдан бўшатиб юбориш сингари меҳнат қонунини қўпол равишда бузмоқдалар. Халқ назоратчилари эса камчиликларга томошабин сифатида қараб келмоқда. Қурилиш бошқармаси партия ташкилоти ишчиларнинг ҳақли эътирозларини ҳисобга олиши, меҳнат интизомини намунали йўлга қўйишда амалий тадбирлар белгилаши зарур.

КОМИТЕТ РАИСИ

Хоразм областида ҳалол меҳнати билан обрў топган ва бутун ғайратини давлат маблағларини тежаб ишлатишга сарфлаётган назоратчилар кўп. Ана шулардан бири Хазорасп район халқ контроли комитетининг раиси Дўстчон Хўжаевдир. Мана, беш йилдирки, у давлат мулкини ҳимоя қилишдек саховатли ишга ҳисса қўшиб келяпти, кишиларни ана шунга даъват этяпти.

Дўстчон Хўжаев иш хонасида кам бўлади. У кўп вақтини хўжаликларда, корхона ва муассасаларда ўтказади. Ишчилар, раҳбарлар билан суҳбатлашади. Йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш, уларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар беради. Комитет раиси ўз иш фаолиятида штатсиз жамоатчи инспекторлар ва группа раисларига кўпроқ таянади. Уларнинг таклифлари, мулоҳазаларини ҳисобга олади.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Хазорасп район партия комитетининг халқ назоратчилари фаолиятига намунали раҳбарлик қилаётганини маъқуллади. Райком ва халқ контроли комитети буни ўз меҳнат фаолиятларига берилган катта баҳо деб билдилар. Улар Марказий Комитет ишончини оқлаш учун янада ғайрат билан ишлашга бел боғладилар.

Халқ назоратчиларининг бундай обрўга эришувида Дўстчон Хўжаевнинг ҳам ҳиссаси бор. Чунки, у комитет мажлисида муҳокама этилаётган энг кичик масалага ҳам партиявий нуқтаи назардан ёндошади, масаланинг хўжалик учун, ишлаб чиқариш учун аҳамиятини, келтирадиган фойдасини назарда тутади Шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарлари, назоратчилар ҳамда жамоатчилар олдида унинг ҳурмати катта.

Қ. ХИДОЯТОВ.

Тошкентда халқ ҳашари

ЛЕНИНГРАД ТУҲФАСИ

Бугунги кунда қаҳрамон шаҳар Ленинграддан келган бинокорлар азим Тошкентимизда жасоратга тенг меҳнатларига якун ясадилар. Ҳақиқатан ҳам оға-ини сингари иноқ мамлакатимиз қардош халқлари қудрати билан қисқа вақтда Тошкентда жуда кўп миқдорда уй-жой, маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

Ленинград қурилиш поезди коллективи Тошкентда тиклаган уйларда ҳаммаси бўлиб 700 га яқин оила истиқомат қилади. Қардошларимиз барпо қилган уйлар ичида Ленинград бинокорлари меҳнати сингган иморатлар ўзгача архитектура кўринишлари, яшаш учун қулай бўлган барча афзалликлари билан ажралиб турибди. Мана шу уйларда яшаётганлар унинг бунёдкорларига қалбдан миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

«Главзапстрой»га қарашли Ленинград умумий қурилиш поездининг шербилак азаматлари Тошкентга келганларидан буён жами 20 000 квадрат метр майдонни эгаллаган уй-жой бинолари тикладилар. Шаҳримизнинг Чилонзор массивида ва «Марказ-13» кварталида қурилган ана шу уйларда ҳамшаҳарларимизнинг тўкис яшашлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Тошкентда қурилиш ишларини намунали ташкил этганлиги учун Ленинград қурилиш поездининг бошлиғи Яков Феодосиевич Шайда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» деган фахрий унвонга муяссар бўлди. Бу ташкилотчи иш бошини табриклаганимизда, бинокорлар коллективи бажарган ишлар ҳақида хаяжонланиб ҳикоя қилди ва охирида бундай деди:

— Менга берилган фахрий унвон, — дейди у, — бутун поездимиз коллективига берилган мукофот деб ҳисоблайман.

Яков Феодосиевич қурувчилар меҳнатини улуғлайдиган рақамларни тилга олди. Ленинград қурувчилари Тошкентда уй-жой бинолари қуриб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Қурувчилар Тошкентдан Ленинградга зўр таассуротлар билан йўл олдилар. Лекин монтажчилардан бир қисми қолган уч уйни учинчи квартал мобайнида тамомлаб, 10 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бу иморатларни фойдаланишга топширадилар. Мана шу уйларда яна 400 оила яшайди.

Тошкент ҳашарида иштирок этган комплекс бригада бошлиғи Федор Алексеев, ғишт терувчи А. Москальчук, дурадгор Л. Пикулин ва бошқа кўплаб бинокор ўртоқларнинг меҳнатини ҳеч ким унутмайди. Улар ўзбек ерига меҳр-муҳаббатлари нишонаси сифатида ғайрат кўрсатиб ишладилар, тошкентликлар учун тўкис уй-жойлар қуриб беришда ибрат бўлдилар.

Ғишт терувчи Петр Николаевич Емельянов эса киндик қони тўкилган юртига Тошкентдан катта фахрий унвон билан йўлга чиқди. Петр Николаевич Тошкентнинг ўзига хос об-ҳавосига дастлабки кунларда кўникмаган бўлса ҳам смена топшириқларини муттасил орттириб бажараверди. У Тошкентга Ленинград поезди коллективи йўлга чиққан биринчи эшелондаёқ келган эди. Ушандан буён мардона меҳнат қилди. Смена нормаларини 160—170 процентдан кам бажарган куни бўлмади. Ана шу мард қурувчи ўртоқ Емельяновга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Республикамиз сабзавоткорлари бу йил сабзавот, картошка ва полиз экинларидан ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштириш ҳамда ана шу маҳсулотларни давлатга кўпроқ етказиб бериш билан бир қаторда, аҳолини бутун йил давомида янги узилган сабзавот билан мўл-кўл таъминлаш ҳақида сўз беришган. Шу мақсадда жойларда кўплаб янги теплицалар қурилди ва уларда қиш мавсумида экин ўстирилди. Суратда: Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг аъзолари Муқаддам Комилова ва Шарифа Саидқосимовалар янги қурилган теплицада етиштирилган помидор ҳосилини узишяпти.

Ҳ. Ҳайитмуҳамедов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

К. МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

РОССИЯ РЕВОЛЮЦИЯСИДАН БАШОРАТ

Совет халқи, прогрессив инсоният гениал мутафаккир ва революционер, илмий коммунизм назариясининг асосчиси, халқаро пролетариат йўлбошчиси К. Маркс туғилган куннинг 150 йиллигини нишонлашга зўр тайёргарлик кўрмоқда.

В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг буюк оламшумул тарихий хизмати шундан иборатки, улар капитализмнинг муқаррар ҳалок бўлишини ва унинг ўрнида коммунизм қарор топишини илмий таҳлил қилиб, исботлаб бердилар. Улар ишчилар синфи революцион партия раҳбарлигида меҳнаткашларнинг нопролетар оммаси билан иттифоқ тузиб, капитализмни тарихан ағдариб ташлаб, социализмни қарор топтириши керак, деб кўрсатдилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс бир неча ўн йиллар давомида, яъни XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, то ҳаётларининг охиригача Россия тарихини, унинг социал-иқтисодий муносабатларини ғоят катта қизиқиш билан ўргандилар. К. Маркс билан Ф. Энгельс Россиянинг революцион имкониятларига қаттиқ ишондилар, — дейилади КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг К. Маркс туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати билан эълон қилинган тезисларида. — Маркс Россиядаги социал-иқтисодий аҳволни, синфий кучларнинг тутган ўрнини биринчи манбалардан ўқиб, батафсил ўрганиб борди. У революцион демократлар Н. Чернишевский ва Н. Добролюбов асарларига юксак баҳо берди. Маркс рус революционерларининг кўплари билан таниш эди, улар билан яқиндан алоқа қилиб турди.

Маркс билан Энгельс, рус революцияси Европа учун, Ғарбда пролетар революцияларининг ғалаба қилиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисобладилар. Маркс Россиядаги революцион ҳаракат истиқболларига баҳо бериб ёзган эдики, бу ҳаракат оқибат натижада, эҳтимолки узоқ ва шиддатли курашдан кейин, Россия Коммунасини тузишга муқаррар олиб келиши лозим бўлади.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг Россияни ўрганишга бўлган қизиқишлари 1861 йилда Россияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинганидан кейин айниқса кучайди. К. Маркс ва Ф. Энгельс янги ижтимоий синф — саноат пролетариатининг шаклланишига бағишлаб рус тилида нашр қилинган асарларни диққат билан ўргандилар. Н. Флеровскийнинг 1869 йилда босилиб чиққан «Россия ишчилар синфининг аҳволи» асари Марксда катта таассурот қолдирди. Маркс 1870 йил февралида Энгельсга шундай деб ёзди: «Бу асар «Англия ишчилар синфининг аҳволи» тўғрисидаги асарингдан кейин майдонга келган энг ажойиб китобдир».

К. Маркс ва Ф. Энгельс Россиядаги аграр муносабатларни ҳам пухта ўргандилар. Улар рус деҳқонларини қудратли революцион куч деб билдилар. XIX асрнинг 50 йилларидаёқ Россияда аграр революция етилиб қолганлигини баён этдилар. К. Маркс 1859 йилда ёзган «Россиядаги деҳқонларни озод қилиш тўғрисида»ги мақоласида Россияда деҳқонлар ислоҳоти тайёрланаётганлигини, бироқ унга дворянлар қаршилик кўрсатаётганлигини таъкидлаган эди. Дворянларнинг қаршилик кўрсатиши ва императорнинг иккиланиши деҳқонлар қўзғолонини муқаррар келтириб чиқаради, агар шундай ҳол рўй берса, русларнинг 1793 йилги революцияси муқаррар, деб хитоб қилди К. Маркс.

Париж Коммунаси қурол кучи билан бостирилганидан ва Ғарбда революцион ҳаракатда жимжитлик бошланганидан кейин Маркс ва Энгельснинг фикрича, айнан Россия биринчи бўлиб «жангга отланиши» муқаррар бўлиб қолди. Маркс 1877 йилда Зоргега йўллаган мактубида Россияда революцион тўнтариш яқинлашиб қолганлигига яна бир марта ишонч билдиради. У рус жамиятининг ҳамма табақалари қўзғалиш ҳолатида турибди ва «бу сафар революция Шарқдан бошланади» деб кўрсатган эди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс рус революциясининг муқаррар эканлигига ишонибгина қолмай, шу билан бирга унинг характерини кўрсатиб ўтган. Россияда демократик революция етилиб келяпти, бу революция, аввало, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт хусусиятларидан келиб чиқмоқда ва чор самодержавиесига ҳамда крепостнойликнинг барча сарқитларига қарши қаратилмоқда, деб таъкидлашди. Улар рус революцияси яқинлашиб келаётганлигининг иқтисодий негизи ва миллий хусусияти аграр масаладан иборат деб ҳисобладилар. Ф. Энгельс реформадан аввалги Россиядаги ижтимоий қарама-қаршиликларнинг характери туб аграр революция вужудга келтириши муқаррар, деб айтган эди.

Ф. Энгельс 1885 йилда В. Засуличга йўллаган хатида Россияда яқинлашиб келаётган революциянинг демократик, умумхалқ характерини белгилаб берувчи нуқталарига диққат-эътиборни жалб қилган эди.

Маркс ва Энгельс Россиядаги социал-иқтисодий муносабатларни, шу жумладан ернинг рус общинага мулкдорлигини ўрганиб, Россия учун капиталистик тараққиётнинг бутун йўлини ўтмасдан социализмга ўтиш мумкинлигини кўрсатиб бердилар. Улар бу имкониятни рус демократик революциясидан кейин Ғарбий Европадаги асосий мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалаба қозониши билан боғладилар, бу эса Европа пролетариатига рус деҳқонларининг турмуш шароитларини социалистик негизда қайта қуришда зарур ёрдам кўрсатиш имкониятини берар эди.

Маркс ва Энгельс муайян шароитларда Россиянинг нокапиталистик тараққиётга эришуви мумкинлигини назарда тутган бўлсалар ҳам, айни бир вақтда улар рус общинасини кўкларга кўтариб махтаган народниклар ва бошқа майда буржуа идеологларининг қарашларини жуда қаттиқ танқид қилдилар, Россияни «социализм куртаги» деб ҳисобладилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс Россия ҳам капитализм тараққиёти орқали социализмга ўтиши мумкин, деб кўрсатиб ўтдилар. Маркс ва Энгельснинг бу башоратларини турмушнинг ўзи тасдиқлади. XIX асрнинг 80-йиллари охирида ва 90-йилларнинг бошида Россияда капитализм тез суръатлар билан ривожланди, индустрлашган мамлакатга айланди.

Рус революцион ҳаракатида марксча оқим пайдо бўлиши биланоқ (Маркс бу вақтда вафот этган эди) Энгельс уни актив қўллаб-қувватлади. Ф. Энгельс Россияда ишчилар ҳаракатининг қўлга киритаётган муваффақиятларидан ғоят мамнун бўлди. Энгельс «Меҳнатни озод қилиш» группасига йўллаган хатларидан бирида рус марксчиларига марксизмни ижодий ривожлантириш зарурлигини, марксча назарияни ва тактикани рус воқелигининг конкрет шароитларига қараб, мустақил ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс рус революцияси катта ва халқаро аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. В. И. Ленин шу хусусда бундай деб ёзган эди: «Маркс ва Энгельс Россиядаги сиёсий революция Ғарбий Европа ишчилар ҳаракати учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлишини аниқ ва равшан кўрган эдилар».

Маркс ва Энгельснинг фикрларига мурожаат қилсак, улар 70-йилларнинг охирида ва 80-йилларнинг бошида (Энгельс кейинчалик ҳам) масалани ушбу тахлитда қўйган эдилар: Россия Ғарбда революция ташаббускори бўлиб қолиши мумкин, бу ана шу революцияга туртки бериши, унинг бошланиши бўлиб қолиши мумкин. Ф. Энгельс 1882 йил ноябрида Карл Марксга йўллаган хатида Россияда кризис рўй бериши лозим, «туртки ўша ёқдан бўлиши лозим» деб ёзган эди.

Маркс ва Энгельс Россия революцион кучларининг чоризм устидан ғалабаси Европа ишчилар синфининг кучларини анча кўпайтиради ва умумевропа революциясини муқаррар келтириб чиқаради, бунинг натижасида Европа пролетариати социализмга ўтиши мумкин, деб ҳисоблаган эдилар.

Россияда XIX асрнинг охирига келиб ва XX асрнинг бошларида янги тарихий вазият вужудга келди. Бу вазият капитализмнинг ривожланиб империализмга ўтиши, революцион ҳаракатнинг гуркираб ўсиши ва ривожланиши билан характерланади. Революцион кураш майдонига В. И. Ленин кириб келди. В. И. Ленин ишчилар синфининг энг революцион партиясини — Большевиклар партиясини вужудга келтирди. Россияда буржуа демократик революцияси етила борди. Бу революция пролетар революциясининг муқаддимаси бўлиб қолиши лозим эди. Ана шуларнинг ҳаммаси жаҳон революцион ҳаракати марказининг Европадан Россияга кўчишини олдиндан тақозо этди. Бироқ бу ҳол Маркс ва Энгельс вафотидан кейингина рўй берди.

Россия аввалари Маркс ва Энгельс ҳисоблаганларидек, революциянинг ташаббускори бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга халқаро революцион ҳаракатнинг маркази ҳам пролетариат революцияси биринчи рўй бериши ва ғалаба қозониши лозим бўлган мамлакатга айланиши лозим эди. Худди шундай бўлди 1917 йилнинг октябрида Россия пролетариати энг камбағал деҳқонлар билан иттифоқ тузиб, Большевиклар партияси раҳбарлигида инсоният тарихида биринчи пролетар революциясини амалга оширди ва Советлар ҳокимияти — пролетариат диктатураси ўрнатилди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида социализм қурди, эндиликда эса коммунистик жамият қуришни муваффақиятли амалга оширмоқда. Ер юзи аҳолисининг учдан биридан кўпроғи эса социализм қурмоқда. Жаҳоннинг ҳамма халқлари ана шу йўлдан боришлари шубҳасиздир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Улуғ Октябрь 50 йиллиги тўғрисида қилган докладида айтилганидек, «Россияни социализмга олиб келган йўл — бу, жаҳон тарихининг, бутун инсоният цивилизациясининг кенг ва равон йўлидир».

М. НОВИКОВ,
тарих фанлари кандидати

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Теннис

Ўзбекистон Министрлар Совети совринини олиш учун «Пахтакор» стадионида ўтказилган теннис мусобақасига Латвия, Эстония, Озарбайжон, РСФСР, Қирғизистон, Тожикистон, Белоруссия, Туркманистон ва Ўзбекистондан олти команда қатнашди. Мусобақалар олимпиа системасида ўтказилди. Ўзбекистон теннисчилари дастлабки ғалабаларни қўлга киритдилар. Латвия, Эстония, РСФСР, Белоруссия ва Қирғизистон республикалари спортчилари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Команда биринчилиги мусобақаси тугагандан кейин 26 апрелгача шахсий биринчилик мусобақалари давом этади.

Баскетбол

Каунас шаҳрида СССР биринчилиги учун олий лигадаги «А» класс баскетболчи командаларининг мусобақасида тошкентликлар яхши натижаларни қўлга киритолмадилар. Бу ерда Р. Салимованинг йўқлиги билиниб қолди. Тошкентликлар 6 ўйиннинг ҳаммасида рақибларидан енгилдилар. Ригаликлар яна мусобақа ғолиби бўлиб қолишди. «Политехника» (Каунас), «Текстильмаш» (Тошкент) чилар 11 ва 12-ўринга тушиб қолгани учун олий лигадан четлатилдилар.

Бутуниттифоқ мусобақасига

Ўзбекистон гандболчилари («Буревестник») Минск шаҳрига учиб кетдилар. Улар бу ерда биринчи лигадаги «А» класс командаларининг СССР VI чемпионатида қатнашадилар. Шунингдек, бадиий гимнастика терма командалари аъзолари СССР биринчилиги мусобақасида қатнашиш учун Ленинградга келдилар.

Республиканинг оғир атлетикачилари Черновцида, отиш спорти мастерлари Одессада куч синашадилар. Улар ҳам СССР биринчилиги мусобақаларида қатнашадилар. «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг шахматчилари Бутуниттифоқ колхоз ва совхоз шахматчи ёшларининг мусобақасида қатнашадилар.

Кўп кураш

Югуриш, сузиш, қиличбозлик, отиш, от спорти билан шуғулланадиган кўп курашчи спорт вакилларини олий класс мастерлари деб бекорга айтишмаган.

Белоруссия, Тожикистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Москва шаҳрининг мана шу олий класс мастерлари Чирчиқ ва Тошкент шаҳар спорт базаларида учрашдилар.

Команда ҳисобида Белоруссия спортчилари («Красная знамя») ғалаба қилди. Ўзбекистонликлар ҳам яхши натижаларга эришдилар. «Спартак» жамиятининг спорт мастерлари В. Збиковский, С. Шупиков, А. Сорокин ва П. Покусинлар иккинчи мукофотли ўринни олдилар. Учинчи ўрин қозоғистонликларга берилди. Москвалик В. Кисилев спортнинг беш тури бўйича 5088 очко тўплаб, халқаро класс спорт мастери нормативини бажарди.

МУРАББИЙ

ЛАВҲА

Кекса муаллим нота дафтарига куй ёзаётгандай бўрни бир маромда юргизмоқда.

Бу киши 40 йилдан бери умид ғунчалари — болалар қаршисида каттакон синов олдида тургандек ҳар сўзни ўн ўйлаб, бир сўзлаб келмоқда. Негаки, ҳар бир сўз болани илмнинг мўъжизакор, сеҳрли, сермашаққат оламига бошлаши керак. Инсоннинг ким бўлиши, жамиятга қандай наф етказиши ҳақидаги ўйлар синфхонасида, муаллим рўпарасида бошланади. Муаллим ўқувчига қўлланмадаги темани ўтибгина қолмасдан, айни вақтда ўзининг юриш-туриши, муомаласи, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати, инсонларга муҳаббати билан ҳам болада ҳавас уйғотиши керак. Муаллимнинг ўз ўқувчилари орасидаги обрўси, талабаларининг дарсни ўзлаштириши, давомати, шу соҳада кўплаб кадрлар етишиши муаллимга боғлиқ. Тетапоя болани сўқмоқ йўлдан каттакон йўлга чиқариб юборган муаллимнинг инсон ҳаётида оз мунча ҳиссаси борми!

Тошкентдаги 28-мактабнинг биология ўқитувчиси Тўйчи Тошмуҳамедов қирқ йилдан бери ҳар бир дарсга қайта-қайта тайёрланиб, ўз талабалари олдида мазмунли, қизиқарли дарс бериб келади.

Қирқ йил. Айтишга осон. Аммо бу орада қанча манзиллар орқада қолиб, қанча сувлар оқиб ўтади. Қирқ йил — севги, дард, романтика ва ташвиш, изланиш ва ижод йиллари бу.

Тўйчи Тошмуҳамедов йиллар оша кишилар юрагига маърифат уруғларини сепиб, катта ҳаёт йўлини кўрсатиб келади.

— Бир донишманд, одам боласини ёмон деган тилни суғуриб олардим, деган экан. Ҳақ гап. Одам боласи туғилишда беғубор бўлиб туғилади. Аммо унинг ким бўлиши атрофидаги муҳитга боғлиқ. Мен ҳар бир одамда яхшилик кўраман. Ҳар гулнинг иси бўлак дегандай, мен ҳар бир ўқувчимда бири биридан чиройли, бири бирidan одобли, бири биридан илмли кишини кўраман. Ундаги ҳар бир яхши фазилатни сезиб, ўшани шакллантиришга ҳаракат қиламан. Юзаки қараганда, менинг фаним — биология бунга алоқаси йўқдай туюлади. Аммо ҳар бир муаллим ўз ўқувчисини кўрсатилган план асосида мулла қилибгина қолмасдан, унга одамийлик илмидан ҳам дарс бериши керак.

Ўқитувчи боланинг фақат илмигагина эмас, балки унинг одобига, ахлоқига, бутун юриш-туришига, қолаверса келажак тақдирига ҳам ота-оналар билан бирга баб-баравар жавобгардир. — Мураббий ўз ҳаётидан айрим шингилларни ҳикоя қиларди.

Тўйчи ака 1908 йилда икки арава рўпара келиб қолса, отлар бир-бирини тишлаб кишнайдиган, ёмғирли кунда ўтсангиз ковушингиз тугул, махсингиз ҳам тушиб қоладиган торгина кўча ёқасидаги пастаккина уйда туғилди. Улуғ инқилоб унинг зах босган кулбасини ҳам нурафшон қилди. Шоир, етимлик нимадир, бизлардан сўра, дегандай етимликнинг саргардонлик азиятларини чекиб, 9-болалар уйига кирди-ю, муздек баданига иссиқ югуриб, тинчлик нима билмаган жони ҳаловат топгандай бўлди. Бошланғич маълумотини ўша ерда олди. Биология фанига қизиқиш ҳам ўша ерда туғилди. Нариманов номидаги таълим-тарбия техникумини 1929 йилда аъло баҳолар билан тугатди. Ўша йилдан бошлаб ўқитувчилик қила бошлади. 1939 йилда эса Тошкентдаги кечки педагогика институтининг биология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. Ўз касбини жон-дилидан севган муаллим ўқувчиларига пухта билим бериш учун тинмай курашди. Биология фанининг бошқа фанлар билан узвий алоқасини, биологиянинг турмуш билан боғланишини ўқувчиларга кўргазмали қуроллар воситасида сингдирди. Унинг биринчи ўқувчилари ҳозир неварали. Қизиқарли ери шундаки, кўргазмали қуролларни ва дарсга оид расмларни Тўйчи аканинг ўзи болаларга ишлатади. Синф хоналари, коридорларга қўйилган тувакларда ажойиб гулларни ҳам, мактабда ҳар йили ўтказиладиган «Қушлар байрами» да сайрайдиган хушовоз қушларни ҳам Тўйчи аканинг таълимини олган болалар ардоқлаб парвариш қилишган.

Тўйчи Тошмуҳамедов Тошкентдаги 6-мактабда дарс берар, мактаб директори эди. 1935 йиллар: хотин-қизларни жамият ишларига тортиш ҳақида партиянинг қарори чиққан кезлар. У кечқурун иш хонасидаги хира лампа ёруғида эртанги ишларнинг режасини тузиб ўтирарди. Бошига кимдир гурзи билан ургандай бўлди. Кўзини очиб қараса, тепасида девдай йигит пичоғини саланглатиб, куйдирган калладек тепасида тиржайиб турибди. У биргина Тўйчи аканинг душмани эмас эди. У ҳаётимизнинг гуллари бўлган хотин-қизларнинг, янгиликнинг, илмнинг душмани эди. Кўршапалак нурдан қочгандек, улар ҳам ҳаётни борган сари қуюқроқ чулғаётган нурдан қўрқардилар. Одамлар орасига нур олиб кирувчи ёш Тўйчига ўхшаш муаллимларни йиқитсак, муродимизга етамиз деб ўйлардилар. Афсуски, Тўйчи кабилар ўтда куймайдиган, сувга чўкмайдиган чинордай илдиз ёйган эдилар. Чапдаст Тўйчи кўршапалакка бўш келмади.

Ўша кезлар Ўзбекистон комсомолининг IV қурултойи давом этаётган эди. Комсомоллар ўз дўстларининг қўлидан хабар олиб турдилар. У соғайди, аммо пичоқ зарби унинг саломатлигида катта из қолдирган эди. Ўша воқеадан кейин у ўз касбига янада кўпроқ меҳр қўйди. Душманни изтиробга солаётганидан ич-ичидан севинди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидай унинг душмани ҳам жазосини тортди. Бу ишда унга умр йўлдоши Ханифа Тошмуҳамедова катта ёрдам кўрсатди. Ханифа опа ҳам ёшликда Зебинисо номли қизлар интернатида тарбияланган. Кейинчалик педагоглик билан бирга Ўзбекистон радио комитетида диктор бўлиб ишлаган.

Мактаб ўқувчилари Тўйчи аканинг фарзандлари, қувончи. Уларни «она қизим», «полвон ўғлим» деб ардоқлаб меҳр кўри билан тарбиялайди. Шу ўринда Тўйчи аканинг иродасига таҳсин ўқигинг келади киши. Ханифа опа ўн йилдан бери тўшакда, ҳаракатсиз. Тўйчи ака унинг олдидан бир зум ҳам нари кетмайди. 28-мактабнинг ўқувчилари уларга ўз фарзандларидан ҳам меҳрибон.

Бир неча йил давомида Ханифа опанинг аҳволидан хабар олиб турган, рўзғор-юмушларини бажариб, оғирини енгил қилган Муҳаббат Эгамбердиева, Муяссар Ризаева ва Фотима, Зуҳра Ҳорижхўжаевалар ҳозир олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Уларнинг олижаноб фазилатларини Маҳмуда Мансурхўжаева, Раъно Турсунова, Зулфия Маҳдихўжаева ва бошқа кўплаб мактаб ўқувчилари давом эттириб, Тўйчи ака оиласини хушнуд этмоқдалар. Пенсияга чиқиш олдидан ўз педагогик маҳоратини сўнгги бор намойиш қилаётган Тўйчи ака ва Ханифа опалар юқорида тилга олинган ўқувчиларга ва уларни тарбиялаган ота-оналарига газета орқали «минг раҳмат» деб қуйишни қайта-қайта илтимос қилишди.

Бу лавҳада Тўйчи Тошмуҳамедовнинг халқ маорифи ишининг тараққиётига қўшган ҳиссасини бирма-бир санаб ўтиришнинг ҳожати бормикин!? Олий Советнинг иккита Фахрий ёрлиғи, кўксидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Аълочи ўқитувчи» значоги, ниҳоят, яқинда берилган «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони кишиларга Тўйчи аканинг хизматларини айтиб тургандай.

А. МАЪЗУМОВ.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

(Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида кенгаш)

<> <>

Республикамиз далаларида жўшқин меҳнат палласи. Чигит экиш яхши боряпти. Ўтган йили 22 апрелга қадар барча майдонларнинг 77 процентига уруғ қадалган бўлса бу йил шу давргача пахта ерларининг 88 процентига чигит экиб бўлинди. Илғор хўжаликлар, районлар чигитни қийғос ундириб олдилар ва ғўза парваришини бошлаб юбордилар.

Лекин, ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Бу вазифалар асосан қолган майдонларга ҳам чигитни тезроқ экиб олиш, ҳамма жойда қийғос униб чиқишини таъминлаш, биринчи культивацияни ўтказиш пайтида ёш ниҳолларни бир йўла озиқлантириб кетиш, ола кўкарган жойларга чигит экиш, зараркунандалар ва ҳашаротларга қарши тадбирларни маромида амалга ошириш, тўла гектарлар ҳосил қилинишига эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги фан Бошқармаси уюштирган кенгаш қатнашчиларининг диққат-эътиборида ҳам худди шу масалалар турди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтидан Ф. А. Соколов, Оққўрғон район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи А. Сошназаров, ўсимликларни ҳимоя қилиш институти директорининг ўринбосари Ф. М. Успенский, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош агрономи В. П. Бакулин, министрлик пахтачилик Бош бошқармасининг бошлиғи А. Е. Дудко, қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари А. Дадабоев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ҳозирги сира кечиктириб бўлмайдиган ишлар тўғрисида батафсил гапиришди ҳамда қимматли мулоҳазалар билдиришди.

Кейинги вақтларда ёғингарчилик жуда кўп бўлиб, баъзи областларда чигит экиш суръати бир оз сусайиб кетди. Ёғингарчиликлар натижасида қатқалоқ пайдо бўлди, бегона ўтлар тез ўса бошлади. Бунинг учун қатқалоқни тезроқ юмшатиш талаб этилади. Ротацион мотигалардан кенг фойдаланмоқ керак. Чигит униб чиқмаган майдонларни қатқалоқ босган бўлса, бороналаш зарур эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг шу кеча-кундуздаги энг асосий вазифаларидан бири — культивацияни ҳамма жойда бошлаб юбориш, қатор ораларини культивация қилиш вақтида ғўзаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмасини солиб кетишдан иборат бўлмоғи керак. Ҳамма жойда тўла гектарлар ҳосил қилинишига эришиш зарур. Чунки ҳосил кўчатлардан олинади. Ўқариқлар атрофига, далаларнинг четига ҳам чигит экиш лозим. Бирор қарич ҳам ер бўш қолмасин. Бегона ўтни таг-томири билан йўқотиш керак.

Сурхондарё областидаги «Намуна» колхозининг биринчи бригадасида яхши иш қилиняпти. Чигит униб чиқиши биланоқ дарҳол суғорилмоқда. Шу туфайли униб чиқмаган уруғ ҳам ниш уриб кўкармоқда. Бригадада кўчат бут, гектарлар тўлиқ.

Қашқадарё областида ёғингарчилик кам бўлди. Айниқса Косон ва Қарши районларида шундай. Бу районлардаги хўжаликларда чигит экилган майдонларни суғориш айни муддаодир. Негаки, сув берилгач, чигит намдан яхши баҳра олади ва қуёшдан нур эмиб, униб чиқа бошлайди.

Оққўрғон районидаги «Озод», «Ленинобод» колхозларида, шунингдек, пойтахт областининг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида, Бухоро область Қоракўл районидаги бир қатор хўжаликларда культиваторлар тўла ишга солинмоқда. Ғўза қатор оралари ҳар бир картанинг ўз шароити ҳисобга олинган ҳолда культивация қилинмоқда. Шу билан бирга, ниҳоллар озиқлантирилмоқда. Ҳозир минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмасидан баҳраманд бўлган ғўза туплари серҳосил бўлиб етилишини кўп йиллик тажрибада синаб келаётган илғор хўжаликлар, бўлимлар, бригада ва звенолар ҳам худди шундай қилишяпти.

Қатор ораларини сифатли культивация қилиш билан бирга ягана̇га ҳам жиддий эътибор бермоқ керак. Квадрат-уялаб чигит экилган майдонларнинг ғўзалари кўздан кечириб борилиши шарт. Амалга оширилиши зарур бўлган барча тадбирлар ҳар гектар ерда кўчат сони нормал бўлишига эришишга қаратилмоғи керак.

Кенгаш қатнашчилари ғўза зараркунандаларига қарши кураш учун етарли миқдорда заҳарли химикатлар ишлаб чиқилмаётганлигини танқид қилишди. Пахтакор хўжаликлар олаётган ана шундай дориворлар уларнинг эҳтиёжини қондираётгани йўқ. Ғўза зараркунандаси ва ҳашаротларга қарши курашни кучайтириш мақсадида заҳарли химикатлар ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш зарур.

Ўзбек халқи бу йил мамлакатга камида 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга ваъда берган экан, чигит экишни мумкин қадар тезроқ ва сифатли ўтказиш, уни бир текис ундириб олиб, парваришни қизитиб юбориш шу куннинг энг муҳим вазифасидир. Кенгаш қатнашчилари ана шуни алоҳида таъкидладилар.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ ТУҒИЛИШИ

Ўтган шанба куни собиқ ўзбек эстрада театри биноси театр муҳлислари, артистлар, санъатшунослар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда янги театр биносининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Маълумки, шу вақтга қадар Ўзбекистон Ёш томошабинлар театрининг рус ва ўзбек коллективлари бир бинода иш олиб борарди. Тошкентдаги табиий офат оқибатида шикастланган собиқ ўзбек эстрада театри биноси тўла ремонт қилингандан сўнг, уни рус ТЮЗига беришга қарор қилинди.

Театрнинг янги туғилиш кечасига бағишланган йиғилишни Ўзбекистон ССР маданият министри Воҳид Зоҳидов очиб, театр ижодий коллективини қизғин табриклади.

Рус ТЮЗ театрининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист П. В. Чепрунов сўзга чиқиб, бу тантанали кечада сўзлаган ҳамма ўртоқларга ва барча театр мухлисларига миннатдорчилик изҳор этди.

Шундан сўнг Л. Кассиль ва П. Хомскийларнинг театр ижодий коллективи томонидан янги саҳналаштирилган асари — «Тайёр бўлинг, жаноб олийлари!» спектаклининг жамоатчилик кўриги бўлди.

«БЎРОН ҚУШИ» САҲНАДА

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри ижодий коллективи ўз репертуарини яна бир ажойиб асар ҳисобига бойитди. Татар драматурги Риза Эшмуродовнинг «Бўрон қуши» асари саҳналаштирилди.

Володя Ульяновнинг Қозон университетидаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи 3 пардали бу драмани Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукофоти лауреати Тошхўжа Хўжаев таржима қилган. Асарни ёш режиссёр Носир Отабоев саҳнага қўйган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ёш режиссёр биринчи мустақил ижодий иши бўлган бу асарда ўз талантини ёрқин намоён эта олган. Саҳнани рассом Г. Брим безаган.

Володя Ульянов ва унинг онаси Мария Александровна Ульянова ролларини ёш артист Риҳси Авазов билан СССР халқ артисткаси, Давлат ва Ҳамза мукофотлари лауреати Сора Эшонтўраева ижро этишди. Ўзбекистон ССР халқ артистлари С. Табибуллаев (Кремлев), Қ. Хўжаев (Зокиржон), А. Турдиев (Преображенский) янги образлар яратиб, ўз ижодий биографияларини бойитганлар. Республикада хизмат кўрсатган артист Т. Азизов ўйнаган Потапов, ёш артистлар ижро этган Сергей Ладигин (Е. Аҳмедов), Оля (Р. Аҳмедова), Наденька (Д. Ҳасанова), Ҳайдар (П. Саидқосимов), Зайтуна (Л. Бадалова) ролларини томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Театрнинг бу спектакли доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига армуғондир.

«ОҚ ЙЎЛ»

Тошкентдаги Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи Халқ театри буюк сана — Ленин комсомолининг шонли 50 йиллигига бағишлаб драматург Риҳси Орифжоновнинг бир парда, уч кўринишли «Оқ йўл» драмасини саҳналаштирди. Ёшлик романтикаси, дўстлик, ҳаётга мустақил қадам босиш, бу йўлдаги қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилувчи бу асарни режиссёр Шавкат Умаров саҳнага қўйган. Драмада асосан халқ театрининг энг ёш ҳаваскорлари қатнашадилар.

А. ЮСУПОВ.

Суратда: «Бўрон қуши» драмасидан кўриниш.

Турли мамлакатларда

Чехословакияда «Минск- 22» совет электрон-ҳисоблаш машиналарига талаб зўр. Суратда: Улуғ Октябрь социалистик революцияси номли металлургия заводи (Тржинецк шаҳри) да ўрнатилган ана шундай машиналардан бирида оператор Зденка Фоберова ишлаяпти. ЧТК — ТАСС фотоси.

Гаага. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидан пойтахтга келган 20 мингдан кўпроқ нидерландиллик бинокорлар корхона эгаларидан иш кунини қисқартириш ва иш ҳақини оширишни талаб қилиб «норозилик юриши» ўтказдилар. Суратда: юриш қатнашчилари «Ҳамма иш билан таъминлансин!», «Иш кунининг қисқартирилишини талаб қиламиз!», «Иш ҳақи оширилсин, пенсия кўпайтирилсин!» деган шиорларни кўтариб, парламент биноси олдига келдилар. ТАСС фотохроникаси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЛЕНИН КУНЛАРИ

УЛАН-БАТОР. Монголияда Ленин кунлари катта традицион байрам сифатида нишонланди.

МОНЦАМЕ агентлиги хабар беради: Кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари аввалги йиллардагидек бу йил ҳам юбилей санасидан анча илгари «Ленин меҳнат вахтаси»да ишлай бошладилар. Бунинг натижасида пландан ташқари бир неча юз минг тугриклик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мамлакатнинг ҳамма қисмида революция ветеранлари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди, В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фотовиставкалар ташкил этилди. Барча мактаблар ва олий ўқув юртларида Ленин ҳақида суҳбатлар уюштирилди. Улан-Баторда ҳали яқиндагина Владимир Ильич Ленин музейи очилган эди. Шу кунларда жуда кўп киши бу музейни келиб кўрмоқда.

«Унэн» газетаси 22 апрелдаги бош мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: Монголия Халқ Революцион партияси улуғ Ленин таълимоти, КПСС ва бошқа қардош партиялар билан яқин алоқа туфайлигина Монголиянинг феодализмдан бевосита социализмга ўтишини таъминлай олди.

ТОКИО. Марказий Гиндзе кўчасида В. И. Ленин туғилган куннинг 98 йиллигига бағишланган катта фотовиставка очилди. Новости матбуот агентлиги ва Совет элчихонаси бу виставкани ташкил этди. Фотовиставка жаҳон пролетариати улуғ йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолиятини тасвирлайди. Виставкага 200 фотосурат қўйилган. Бу фотоҳужжатларнинг бир қанчаси биринчи марта кўрсатилаётир.

В. И. Лениннинг Японияда япон тилида нашр этилган асарлари фотовиставкада катта ўрин олади. Виставкада В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар, Совет Иттифоқи ҳақидаги кинолентала кўрсатилади.

Виставкани очиш маросимида Япония жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлишди.

ХАРТУМ. Судан пойтахтининг неча юзлаб аҳолиси 21 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг тўқсон саккиз йиллигини нишонлаш учун Совет маданий марказига тўпланишди. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ўқилган лекцияни зўр эътибор билан тингладилар. Лекциядан кейин Суданнинг машҳур жамоат арбоби Абдулла Ҳамид Али Амин сўзга чиқди. У ленинизмнинг мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракатига кўрсатган таъсири ва роли тўғрисида гапирди. Йиғилиш охирида «Ленин 1918 йилда» фильми кўрсатилди. (ТАСС)

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ БИЛАН АЛОҚА ҚИЛУВЧИ СОВЕТ КОМИТЕТИДА

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг мажлисида комитет раиси С. О. Азимовнинг бир йил ичида қилинган ишлар тўғрисидаги ахборoти тингланди. Мажлис қатнашчилари Африка — Осиё ёзувчиларининг ҳаракати мустаҳкамланганлигини ва совет ёзувчиларининг чет мамлакатлар адиблари билан алоқалари активлашганлигини таъкидладилар. 1967 йили СССРга Осиё ва Африканинг 23 мамлакатидан 105 ёзувчи келиб кетди. совет адибларидан 62 киши Африка ва Осиёдаги 15 давлатга бориб келди.

Комитет Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 йилги Тошкент конференциясининг 10 йиллигини кенг нишонлашга ва ана шу воқеага бағишлаб 20 сентябрда Тошкентда совет жамоатчилигининг тантанали йиғилишини ўтказишга қарор қилди. 20 сентябрдан 23 сентябргача Ўзбекистон пойтахтида ёзувчиларнинг халқаро симпозиуми ўтказилади. Симпозиум «Классик мерос ва ҳозирги замон адабиёти» ҳамда «Африка — Осиё адабиётларини таржима қилиш ва нашр этиш проблемалари» деган мавзуларга бағишланади. (ТАСС).

ВДРДА БИРИНЧИ МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

ХАНОЙ (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасида меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик байрами — 1 Май куни яқинлашиб қолганлиги муносабати билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Чақириқлари эълон қилинди.

Вьетнам информация агентлиги хабар беради: бу Чақириқларда шу йилнинг бошида Жанубий Вьетнам Миллий озодлик қаҳрамон халқ қуролли кучлари ва Жанубий Вьетнам халқи Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти раҳбарлигида эришган ғалабалар билан табрикланади.

Чақириқларда Шимолий Вьетнам қаҳрамон қуролли кучлари ва халқи эришган зафарлари билан табрикланади.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Вьетнам Демократик Республикасининг бутун халқини — ишчилар ва деҳқонларни, давлат хизматчилари ва зиёлиларни, Вьетнам демократик республикасидаги йигит ва қизларни, барча аёлларни ўз кучларини бирлаштириб Америка агрессиясига қарши, мамлакатни қутқазиш ва социализм қуриш учун олиб борилаётган курашга актив ёрдам беришга даъват этади.

Чақириқларда Вьетнамнинг Америка агрессиясига кўрсатаётган қаршилигини қўллаб-қувватлаб, унга катта ёрдам бераётганлиги учун қардош социалистик мамлакатларга ташаккур изҳор қилинади.

Вьетнамнинг АҚШ агрессиясига қарши курашини қўллаб-қувватлаётганликлари учун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларига ҳамда бутун дунёдаги тинчликсевар халқларга самимий миннатдорчилик билдирилади.

Чақириқлар АҚШнинг Вьетнамдаги шармандали агрессиясини тўхтатиш учун курашаётган Америка халқига салом йўллайди. Чақириқларнинг охирида бундай дейилади: «Яшасин тинч, қайта бирлашган, мустақил, демократик ва яшнаб турган Вьетнам!».

ҚОТИЛЛАРНИНГ ВАҲШИЙЛИГИ

ХАНОЙ (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни билдиради: Америкалик агрессорлар 14 апрелда АҚШ 7-флотидаги ҳарбий кемалардан Камау вилоятидаги ўрмонларни тўпга тутдилар ва ракеталар отдилар. Бунинг натижасида 80 жойда катта ёнғин чиқди.

Американинг ҳарбий самолётлари ёниб турган ўрмонга кўп миқдорда напалм бомбалар ташлади. Айни вақтда ёнғин чиққан жойларнинг атрофидаги аҳоли яшайдиган пунктлар ўққа тутилди. Кўп уйлар вайрон қилинди. Граждан аҳоли ўртасида кўп қурбонлар бор.

Озодлик агентлиги, дейилади хабарда, Американинг самолётлари 3 апрелда Камау вилоятининг Кайнуок районидаги мактабга катта калибрли бомбалар ташлаганлигини билдиради. Ўқувчилардан 15 киши ва икки ўқитувчи ўлган ва ярадор бўлган. Мактаб биноси ва унинг атрофидаги уйжойлар яксон қилинган.

ҚИЗИҚ ВОҚЕАЛАР

● ЧИЯ БЎРИ «ҚУВУВЧИ» ИШДАН ОЛИНДИ

Деҳли муниципалитетидаги штатли лавозимлар орасида катта шаҳарларда жуда камдан-кам учрайдигани ҳам бор. Масалан, шаҳар маъмурлари ит ушлайдиган олти кишига, итларга зарар етказилмаслигини назорат қилиб турадиган уч кишига ва каламуш ушлайдиган 21, чия бўри қувувчи бир кишига ҳақ тўлашарди. Чия бўри қувувчи киши пойтахт атрофидаги ахлат тўкиладиган жойлардан чия бўриларни ҳайдаб чиқиши керак Ундан кейин эса итларни қўриқловчилар бу чия бўриларни ўлдиришади Аммо, кейинги йилларда чия бўри ҳайдовчи жуда ҳам активлашиб қолди. Натижада Деҳли атрофида ўлдирилган чия бўрилар 1965 йилдаги 93 тадан 1966 йилда 33 тагача камайиб кетди Муниципалитет чия бўрилар камайиб кетганлигини ҳисобга олиб, чия бўриларни қувадиган кишини ишдан бўшатиб юборди.

● ПАҲЛАВОН ҚИЗАЛОҚ

Эроннинг Форс вилоятида жойлашган Донғинот—Жунаган қишлоғида Музаффар деган деҳқоннинг оиласида ғалати бир қизча туғилди. Бу қизча уч кунлигида ўз ота-оналарини танийдиган бўлиб қолди. Бир ойлигида эса ўтирадиган ва ўйнайдиган бўлди. 2 ойлигида у деҳқонлар учун одатдаги овқатлар — нон, гуручли овқат ва гўшт танаввул қила бошлади. Яна бир ойдан сўнг эса юра бошлади Ярим яшарлигида унинг оғирлиги 8 килограмм бўлиб, бўйи 60 сантиметрга етди. Умуман ўзи чақалоқ сифатида югурса ва ўйнаса ҳам у ўзини худди 4 яшар қиздай ҳис қилади

● 69 ЁШИДА ЭГИЗ ТУҚҚАН АЁЛ

Эрон Озарбайжонидаги Оҳар округининг Барзагоҳ қишлоғида медицина тарихида камдан-кам учрайдиган воқеа юз берди: Машҳад Али (85 яшар) деган деҳқоннинг 69 яшар хотини эгизак туғди, «Кайхон» газетасининг ёзишича, бу аёл яқин кунларда фарзанд кўражаклиги тўғрисида қўшниларига айтган пайтда улар аёлни калака қилишган, балки бечора кампирнинг қорнида шиш пайдо бўлгандир, деб ўйлашган эди. Ҳатто кампирни тўлғоқ тута бошлаганида ҳам дугоналари фақат бошини чайқашиб турарди. аммо иккита дўмбоққина ўғил бола дунёга келганини кўришиб воқеанинг чинлигига ишонишга мажбур бўлдилар.

АТМОСФЕРА МЕТЕОРЛАРНИ МАЙДАЛАЙДИ

Қуёш системасида планеталар ва уларнинг йўлдошлари, астероидлар ва кометалар билан бир қаторда кўпдан-кўп қаттиқ майда жисмлар ва чанглар ҳам бор. Улар ер атмосферасидан ўтиб, жуда катта тезликлар билан ҳаракат қилар экан, бизга яхши маълум бўлган метеор ҳодисаси — «учар юлдуз»ни вужудга келтиради. «Учар юлдуз»ларни тадқиқ этиш олимларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Бу космик кемалар ва космонавтларнинг планеталараро очиқ фазода метеор жисмлар билан тўқнашувида бўладиган метеор хавфига ҳам кўп даражада боғлиқ.

Атмосферада метеорларнинг ҳаракатига бардош беладиган тезликларни ҳозирча лаборатория шароитларида вужудга келтириб бўлмайди, шунинг учун метеорлар газ муҳитларида жисмларнинг ҳаракати билан шуғулланувчи мутахассисларнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлмоқда. Атмосферага учиб кирган метеор жисмлар унда содир бўлувчи ҳодисалар, чунончи ҳаво массалари оқимы ҳаракатининг баайни индикаторига айланиб қолади. Метеорларни ўрганишнинг катта космогоник аҳамияти ҳам бор. Чунки, метеор жисмларнинг катта кўпчилиги структураси миллиард-миллиард йиллар мобайнида оз ўзгарувчи планета ядроларининг парчаланиш маҳсулидир. Метеор жисмлар тузилишини ўрганиш олимлар қуёш системасининг шаклланиш биринчи босқичлари тўғрисида баъзи тасаввур ҳосил қилишларига ёрдам беради.

Ҳозиргача қадар олимлар қўлида етарли даражада йирик бирон метеор жисм намунаси йўқ. Ракеталар ва йўлдошлар ёрдамида ушланган зарраларнинг ўлчами ниҳоятда бир неча микрон ёки неча ўнлаб микронга боради. Ёрқин метеорлар эса ҳеч бўлмаганда сантиметр билан ўлчанадиган катталикдаги жисмлардир.

СССР Фанлар академияси Физика институтининг аспиранти А. Н. Симоненко «Ер атмосферасида метеор жисмларнинг майдаланиши» деган диссертациясини фотографик кузатишлар натижаларига қараб метеор жисмлар структурасини аниқлашдек қизиқарли проблемага бағишлаган. П. К. Штернберг номидаги Давлат астрономия институтининг илмий кенгаши 23 апрелда шу диссертацияни олди. Аспирант мавжуд маълумотларни синчиклаб анализ қилиб, Тожикистон ССР Фанлар академияси Астрофизика институти коллекциясидаги юздан ортиқ оригинал фотографияларни ўрганиб, метеор жисмлар бир жинсли модда бўлмай ўлчами 150 микрон чамаси бўлиб, ўзаро унча маҳкам боғланмаган майдамайда «зарралардан» иборат деган хулосага келди.

Метеор жисмлар атмосферага кириб бораётганда жуда тез, лекин нотекис қизиб боради. Жисм юзи бир неча минг градусга қадар қизиб чўғ бўлгани ҳолда унинг ички қисми амалда совуқлигича қолади. Бундай температура тафовути жисм ташқи ва ички қисмларининг нотекис кенгайишига олиб келади. Жуда катта зўриқиш вужудга келади. Натижада ташқи қатлам «зарралари» ҳатто эришга ҳам улгурмай жисмдан ажралиб чиқади ва батамом буғланиб кетгунича мустақил ҳаракат қилиб боради. Метеорнинг чарақлаши биз ўйлаганимиздек асосий жисмдан бўлмай, балки асосан ажралиб чиққан мана шу «зарралар» туфайли вужудга келади.

(ТАСС мухбири).
Москва.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек классик қўшиқлари. 9.30 — Куйлар. 10.10 — Баян ва балалайкада чалинадиган пьесалар 10.30 — Опералардан парчалар. 11.15—«Шаҳар — қишлоққа». 12.15 — «Наво» (куй). 12.25 — Латвия радиосини эшиттириши. 13.30 — «Орэра» вокал ансамбли куйлайди. 16.10 — «Театр директори» (комик опера). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Элга хизмат — олий ҳиммат». 18.10 — Қўшиқлар.19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.30 — «Баҳор таронлари» (радиокомпозиция). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.20 — Хоразм халқ қўшиқлари. 22.40 — Шу куннинг ҳикоялари. 23.15 — Лирика кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар,** 18.15—**Совет кинси** (киножурнал), 18.25 — **Май туҳфалари** (реклама).

Ўзбек тилида: 18.45 — **Май олди вахтасида** (репортаж). 19.05 — **Телеянгиликлар,** 19.20 — **Кўрсатишлар программаси,** 19.25 — **Халқнинг содиқ фарзанди** (кинофильм, рус тилида). 20.30—Ярим аср йилномаси. **1934 йил** (ҳужжатли фильм). 21.30 — **Пахтакорлар учун «Олтин водий программаси»** (Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси. **Физика** (мактаб ўқувчилари учун). 18.30 — **Олий математика,** 19.30— **Немис тили** (студентлар учун).

20.00 дан—**Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Адабий топишмоқ** (мактаб ўқувчилари учун). 20.30 — **Изловчилар,**

Рус тилида: 20.50 — **Миллионлар университети,** 21.15 — **Қуёш сари** (музикали бадиий фильм). 21.55 — **Доктор Стокман** (телефильмнинг биринчи серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/IV да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Парвона,** 26/IV да **Уғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IV да **Фарҳод ва Ширин,** 26/IV да **Бағри тош.**

КИНО

Анна Каренина (кенг форматли, икки серияли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Сув париси тасвирланган узук (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

«Авлиё Януарий» операцияси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

иқтисод бўлими мудири (иқтисод фанлари доктори ёки кандидати) **вакант вазифасига**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Конкурс талаби билан тўлдирилган ҳужжатлар Тошкент область, Калинин район, Жарариқ почта бўлимига юборилади.

САДРИДДИН АЙНИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 1968-1969 ўқув йилининг I-КУРС СИРТҚИ БЎЛИМИГА қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, тожик тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, педагогика (бошланғич таълим методикаси), **математика.**

Аризалар 31 майгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 июндан 20 июнгача ўтказилади. Институтга қабул қилиш 22 дан 28 июнгача.

Ариза институт ректори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумотлилиги ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, охирги иш, ўқиш ва хизмат жойидан характеристика, 4 фотосурат (3х4 см.), соғлиғи ҳақида медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона ёки ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган бўлсин).

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилади: Самарқанд шаҳри, Красноармейский шоссеси, 166-уй, телефон 4-38-75.

«УЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИГА

қурувчи инженерлар: саноат-граждан қурилиши, қурилиш конструкцияси бўйича конструкторлар, йиғма темирбетон заводи технологлари, вертикал планлаштириш ва ободончилик бўйича, теплотехниклар

КЕРАК

Қабул қилинган мутахассислар квартира билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими, 1-хона.

РЕСПУБЛИКА «УЗГИПРОСЕЛЬСТРОЙ» ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА

лойиҳа ишларига инженертехник ходимлар (лойиҳачилар): қурувчилар, архитекторлар, сантехниклар, теплотехниклар, электриклар, техниклар алоқачилар, газ таъминоти мутахассислари, сметачилар

КЕРАК

Қабул қилинганлар ётоқхона ва квартира билан таъминланадилар.

Меҳнат ҳақи лойиҳа ташкилотларининг биринчи етакчи группаси асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар 1 Май кўчаси, 97-уй, кадрлар бўлими.

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ қуйидаги лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Антибиотиклар (катта илмий ходим — микробиолог, кичик илмий ходим — микробиолог, биохимик);

микроорганизмлар биохимияси (катта илмий ходим — биохимик кичик илмий ходим — микробиолог, биохимик);

ачитиш процесси (кичик илмий ходимлар — микробиологлар — 2 ўрин);

вирусология (кичик илмий ходим—вирусолог);

тупроқ микробиологияси (кичик илмий ходим—микробиолог);

протистология (катта илмий ходим — протистолог. кичик илмий ходим—биохимик),

селекция ва микроорганизмларнинг ўзгарувчанлиги (лаборатория мудири, кичик илмий ходимлар — микробиологлар— 2).

ферментология (кичик илмий ходимлар — микробиологлар биохимиклар — 2);

цитология (кичик илмий ходимлар — микробиологлар — 2)

Конкурс муддати—1968 йил 24 майгача

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар — 143, Академия шаҳарчаси

159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 22-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

ёрдамчи ишчилар, бетончилар, ғишт терувчилар, арматурачилар, электр-газ пайвандчилари, ЛАЗ-690 автокран машинистлари, электриклар, қурилиш механизмлари ремонти бўйича слесарлар, тракторчилар

КЕРАК

Елғизлар ётоқхона, оилалилар — бир йиллик муддатда квартира билан таъминланадилар

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси 318-уй. кадрлар бўлими (7-троллейбус 42-автобуснинг «Чуқурсой» бекати).

«Узсельстройдеталь» трестининг ЭКСПЕРИМЕНТАЛ РЕМОНТ, МЕХАНИКА УСТАХОНАСИГА

4, 5 ва ундан юқори разрядли электр пайвандчилар, металл конструкциясини йиғувчи-слесарлар, арматурачилар, кран машинистлари, инженер-конструкторлар (механиклар, қурувчилар)

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона, оилаликлар бир йиллик муддатда квартира билан таъминланади

Мурожаат учун адрес: Бектемир посёлкаси, Охунбобоев кўчаси, 3-уй.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи республиканинг айрим областларида ёғингарчилик ва момақалдироқ бўлиши кутилади. 17-22 даража,айрим жойларда 24 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиб, шимоли-ғарб томондан 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кундузи 16-18, кечаси 9-11 даража иссиқ бўлади.

БИРИНЧИ МАЙ ТАНТАНАЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Цейлон, Индонезия ва Сингапур касаба союзларининг делегациялари Тошкентга келдилар. Бу делегациялар Москвага бориб. Биринчи Май тантаналарида ВЦСПС меҳмонлари сифатида қатнашадилар.

Чет эл касаба союзларининг арбоблари Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республика ҳаёти билан танишадилар. (ЎзТАГ).

ҲИНД ФИЛОСОФИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ҳиндистонлик философ Дебипрасад Чаттопадхайя бир ҳафта давомида Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турди. Бу олимнинг номи бизнинг мамлакатимизда яхши танишдир — унинг «Ҳинд материализми тарихи» ва «Ҳинд фалсафаси тарихи» деган асарлари рус тилига таржима қилинган. Меҳмон Тошкентдаги қурилиш ишлари билан танишди, бир қанча илмий муассасаларда, Тошкент Тўқимачилик комбинатида, 24-мактабда, Янгийўл яқинидаги Ленин номли колхозда бўлди, Самарқандга бориб келди.

ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Дебипрасад Чаттопадхайя қуйидагиларни айтди:

Тошкентдаги қурилиш ишлари жуда катта ҳажмда олиб борилаётганлиги мени жуда қойил қолдирди. Энди мен Совет республикалари Ўзбекистонга қанчалик катта ёрдам кўрсатаётганликларини кўз олдимга келтира оламан. Тошкент биз, ҳиндлар учун, бутун дунё халқлари учун катта сабоқ бўлади. Бу ерда қилинаётган барча ишлар кишиларнинг ўзаро бир-бирларига ёрдами қай даражада қудратли эканлигини, ана шу ўзаро ёрдам туфайли нималарга эришиш мумкинлигини ҳаммага намойиш қилмоқда.

Ўзбек олимлари Ўрта Осиё халқларининг бой маданий ва маънавий меросини ўрганиш соҳасида олиб бораётган ишлари менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда ҳинд халқининг ҳаётини ўрганиш ва у билан яхши танишишга катта аҳамият бераётганликларини билиб, жуда хурсанд бўлдим. Тошкентда менинг она тилимда жуда яхши гаплашадиган кишиларни учратдим. Ўзбекистон пойтахтидаги баъзи мактабларнинг ўқувчилари ҳам ҳинд тилида гаплашдилар.

Менинг мамлакатимдаги аҳолининг 70 проценти деҳқонлардан иборат. Шунинг учун ҳам ўзбек деҳқонларининг ҳаёти билан танишиш мен учун жуда муҳим бўлди. Мен бу ерда ўз кўзим билан кўрган барча нарсалар тўғрисида гапириб бериш учун Ватанимга шошилмоқдаман.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Маъсул секретарь — В34455. Маъсул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41. Қарши 3—08. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55

Б № — 97. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р.02421.